


## I. ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ


Дастлабки маълумотларга кўра, 2019 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган ялпи ҳудудий маҳсулотнинг (ЯҲМ) ҳажми жорий нархларда 36478,5 млрд. сўмни ташкил этди ва 2018 йилнинг мос даврига нисбатан 107,3 % га ўсди. ЯҲМ дефлятор индекси 2018 йил январь-сентябрь ойларидаги нархларга нисбатан 124,3 % ташкил қилди.

***Ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ)** – миллий ҳисоблар тизимининг асосий кўрсаткичи бўлиб, муайян даврда минтақанинг иқтисодий ҳудудида жойлашган резидент – институционал бирликлар ишлаб чиқариши фаолиятининг якуний натижасини ифодалайди. ЯҲМ ишлаб чиқариши усулида, иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ҳажми ва маҳсулотларга соф солиқлар йиғиндиси орқали ҳисобланади.*

2018-2019 йиллар учун январь-сентябрь ҳолатига ЯҲМ физик ҳажми ва дефлятор индекси динамикаси қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади (ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да).




**2019 йил январь-сентябрь ойларида ЯХМнинг  
иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиш суръатлари**




Худуд иқтисодиётнинг асосий тармоқларида кузатилган ўсиш суръатлари ЯХМ ўсишида асосий омил бўлиб хизмат қилди. Жумладан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги тармоғининг ўсиш суръати 102,6 %, (ЯХМ таркибидаги улуши - 25,2 %), саноат - 109,0 % (47,3 %), қурилиш - 141,5 % (4,4 %), савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар – 103,3 % (6,3 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа - 102,8 % (5,0 %) ва хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар - 106,4 % (11,8 %) ни ташкил этди.

Аҳоли жон бошига ҳисобланган ЯХМ 12517,9 минг сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 5,8 %га ўсди.

**Январь-сентябрь ҳолатига аҳоли жон бошига  
ҳисобланган ЯҲМ ҳажми  
(жорий нархларда, минг сўм)**



**Январь-сентябрь ҳолатига аҳоли жон бошига  
ҳисобланган ЯҲМ ўсиш суръатлари  
(ўтган йилнинг мос даврига нисбатан % да)**



**Ялпи ҳудудий маҳсулотнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби**

	<i>млрд.сўм</i>		<i>Физик ҳажм индекси %да</i>
	<i>2018 й. январь- сентябрь</i>	<i>2019 й. январь- сентябрь</i>	
<b>ЯҲМ-жами</b>	<b>27352,6</b>	<b>36478,5</b>	<b>107,3</b>
<i>шу жумладан:</i>			
<b>Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати</b>	<b>25743,1</b>	<b>33851,4</b>	<b>107,2</b>
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	7586,4	8525,9	102,6
саноат (қурилишни қўшган ҳолда)	11963,2	17498,4	111,4
саноат	11085,9	16014,8	109,0
қурилиш	877,3	1483,6	141,5
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	1788,6	2119,3	103,3
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа хизматлари	1506,7	1708,7	102,8
бошқа хизмат тармоқлари	2898,2	3999,1	106,4
<b>Маҳсулотларга соф солиқлар</b>	<b>1609,5</b>	<b>2627,1</b>	<b>109,1</b>

## Январь-сентябрь ойларида ЯҲМнинг тармоқлар бўйича таркиби

2018 йил



2019 йил




Юқорида келтирилган диаграммада қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги ЯХМ таркибидаги улуши 2018 йилдаги 29,5 % дан 2019 йилда 25,2 % га камайганлигини кўриш мумкин. Саноат улуши 43,1 % дан 48,8 % га ва қурилиш улуши 3,4 % дан 4,4 % га ошди, хизматлар соҳасининг ЯХМ таркибидаги улуши эса 24,0 % дан 23,1 % га камайди.

ЯХМ ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг 53,6 % и кичик тадбиркорлик (бизнес) ҳиссасига тўғри келди, бу кўрсаткич 2018 йил январь-сентябрь ойларида 57,7 % ни ташкил қилган.

2019 йил январь-сентябрь ойларида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмида хизматлар улуши 23,1 % ни (2018 йил январь-сентябрда 24,0 %) ташкил қилди.

Савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматларнинг ЯХМ таркибидаги улуши 6,3 % ни (2018 йил январь-сентябрь - 6,9 %), ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа - 5,0 % ни (5,9 %), хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар - 11,8 % ни (11,2 %) ташкил этди.

### Хизматлар соҳасининг ялпи қўшилган қиймати таркиби (жамига нисбатан % да)




- савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар
- ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа
- хизмат кўрсатувчи бошқа тармоқлар

ЯХМ ўсиш суръатига хизматлар соҳасининг таъсири 1,1 ф.п. ташкил этди. Ушбу соҳада қўшилган қийматнинг 4,6 % га ўсиши кузатилди. Шундан, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар 3,3 % га, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа 2,8 % га ва бошқа хизматлар 6,4 % га ўсди.

Қурилиш ишлари ҳажми ўтган йилнинг мос даври билан таққослаганда 41,5 % га ўсди. ЯХМнинг мутлоқ ўсиши қурилиш тармоғининг ижобий ҳиссаси 1,4 ф.п. даражасида баҳоланди.

2019 йилнинг январь-сентябрь яқунларига кўра қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги 2,6 % даражасида ижобий ўсиш суръати қайд этилди. Мазкур тармоқнинг ЯХМ мутлоқ ўсиш суръатига таъсири 0,8 ф.п. ни ташкил этди.

**2019 йил январь-сентябрь ойларида ЯХМ ўсишида тармоқларнинг ҳиссаси**  
(жамига нисбатан % да)



2019 йил январь-сентябрь ойларида ЯХМ дефлятори индекси 2018 йил январь-сентябрь ойларидаги нархларга нисбатан 124,3 фоизни ташкил этди. ЯХМ дефлятори индексининг энг юқори кўрсаткичлари маҳсулотга соф солиқларда - 149,6 % ва саноат тармоғида - 132,5 % қайд этилди.

Вилоятнинг ўртача даражасидан паст бўлган дефлятор индекслари қурилишда - 119,5 %, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида - 132,5 %, савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар - 114,7 %, ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқада - 110,3 % ва бошқа хизматларда - 129,7 % қайд этилди.

**2019 йил январь-сентябрь ойларида  
ЯХМ нинг иктисодий фаолият турлари бўйича дефлятор индекси**

